


## ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

**Muqumov Zafar Avazmurotovich**

*associate professor of "international school of finance technology and science",  
candidate of economic sciences, uzbekistan, zafar\_muqimov@tfi.uz, orcid: 0000-0003-3385-1365*

Инновацион фаолият харажатлари ҳисоби республикада амал қилаётган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосан тартибга солинади: (1- расм). Уларга асосан ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб сиёсатида харажатлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда харажатлар ҳисобини юритиш услубини танлайди ва уни расмийлаштиради ҳамда йил давомида унга белгиланган тартиб қоидаларга амал қилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект харажатлар ҳисобини юритишда энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда белгиланган тартиб қоидаларга амал қилади.



### 2.2.1- расм. Инновацион фаолият харажатлари ҳисобини белгиловчи ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар даражалари.

Ушбу қонуннинг 13 – моддасида “Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади ” деб белгиланган. Демак республикада фаолият юритаётган ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект харажатлар ҳисобини юритишда ушбу модда белгиланган тартибга амал қилиши лозим.

Инновацион фаолият харажатларини белгилаб берувчи кейинги даражадаги ҳуқуқий ҳужжат бу Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 146-моддаси “Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари” деб номланади ва унда қуйидаги харажатлар белгилаб қўйилган:

- янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

- барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб қўриш мақсадида комплекс синаб қўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;

- ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

- асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан ушбу кодекснинг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарк.

Шубҳали қарзлар бўйича заҳира ташкил этиш учун қилинган харажатлар ушбу Кодекста мувофиқ умидсиз деб эътироф этилган қарздорликни ҳисобдан чиқарилаётганда, ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умидсиз қарздорлик миқдоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланади.

Солиқ кодексининг ушбу моддасида белгиланган харажатларни ҳисобга олиш 21-БХМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий – хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” да белгилаб берилган. Унга асосан ушбу харажатлар 9440 – “Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” счётида ҳисобга олинади.

9440 – “Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” счётида ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайдиган, лекин, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун қилинган харажатлардан режалаштирилган самарага эришилган ҳолда, келгуси ҳисобот даврларида солиққа тортиладиган базадан камайтириладиган харажатлар ҳисобга олинади.

Ҳисобот даврида 9440 – счётнинг дебетида йиғилган харажатлар шу давр охирида (ой, чорак, йил) 9910 – “Яқуний молиявий натижа” счётининг дебетига ўтказилади. 9440 – счётининг дебетида ҳисобга олинган харажатлар балансдан ташқари 012 – “Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар” счётида йиғиб борилади.

Содир бўлган муаммолар суммасига 9440 – счётининг дебетига ёзилиши билан бир вақтнинг ўзида 012 – балансдан ташқари счётининг киримиغا ҳам ёзиб борилади. 012 – балансдан ташқари счётнинг чиқимиغا ҳисобга олинган харажатлар бу тадбир учун сарфланган харажат ва ундан олинadиган самара муддатига қараб тузилган махсус расчётига асосан ҳисобдан чиқарилганда ёзилади.

Бу муддат 5 йилдан ошмаслиги керак.

Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари балансдан ташқари 012 – “Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар” балансдан ташқари счётидан чиқим қилишда сарфланган харажатлар ва

ундан олинадиган самара муддатига қараб, тузилган махсус комиссия ҳисоб – китобиға асосан ҳисобдан чиқарилади.

Инновацион фаолият харажатларини ҳисобга олишни белгилаб берувчи учинчи даражадаги ҳуқуқий ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда қабул қилган 54- қарор ҳисобланади. Бу қарорға асосан “Маҳсулот (иш хизмат) лар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланган бўлиб, унда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида вужудга келадиган харажатлар таркиби ва уларнинг қайси манбалар (ишлаб чиқариш таннархи, давр харажатлари ва бошқалар) ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади.

Инновацион фаолият харажатлари ҳисобини тартибга солувчи тўртинчи даражадаги меъёрий ҳужжатларга бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланган “Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари” га қилинган харажатлар ҳисобининг меъёрий асослари 11 – БҲМС “Илмий – тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлаб чиқаришларга харажатлари” да белгиланган.

Ушбу стандартнинг 5 – бандини таҳлил қиладиган бўлсак, унда илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари харажатларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект сарфланган харажатларни ҳисобга олишни 4 – БҲМС “Товар – моддий захиралар” ва 17 – БҲМС “Капитал қурилишга пудрат шартномалари” асосан ҳисобга олади. Ушбу харажатларни ҳисобга олишнинг 4 – БҲМС “Товар – моддий захиралар” да белгиланган тартиб – қоидалари қуйидагилардан иборат.

Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик харажатлари:

А) ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

Б) актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

В) уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса, актив сифатида тан олинади.

Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик харажатлари шартномага асосан бухгалтерия балансига қабул қилинади, бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуйидагилар киритилади:

А) божхона божлари ва йиғимлари;

Б) харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

В) таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи;

Г) сертификатлаш ва уларни товар – моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;

Д) тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт – тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш – тушириш ишлари, товар – моддий захираларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт) ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан товар – моддий захираларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;

Е) харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Харид учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, товар – моддий захираларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани конвертациялаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар уларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Муддатидан олдин тўлаш натижасида ёки катта ҳажмда харид қилиш натижасида ёхуд тарафларнинг келишувида назарда тутилган бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра олинган пул чегирмалари харид қийматини камайтирмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида молия – хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Илмий тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларининг натижаларини қабул қилиш ва олиб келиш харажатлари 1500 – “Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш” счётида ҳисобга олинади ҳамда ушбу счёт дебетида йиғилган харажатлар уларнинг таннархига ёки ишлаб чиқариш ва давр харажатларига олиб борилади.

Битта умумий суммага қабул қилинган илмий – тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишланмаларининг таннархини аниқлаш учун барча харажатларни уларнинг жорий қийматига муносиб тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Шу билан биргаликда 17 – БХМС “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари” да унинг таркибида амалга оширилаётган тажриба – конструкторлик ишларига тегишли харажатларини ҳисобга олиш тартиби унинг 13 – бандида қуйидаги тартибда ҳисобга олиш белгиланган: “Шартнома шартларида харажатларини қоплаш қайд этилган тажриба – конструкторлик ишлари харажатлари сингари қурилиш пудрат шартномаси шартлари бўйича буюртмачи томонидан қопланадиган бошқа харажатлар”, яъни ушбу харажатлар пудрат шартномаси бўйича харажатларга киради. Ушбу стандартнинг 14 бандида пудрат шартномаси бўйича фаолиятга киритилмайдиган ва тақсимланмайдиган харажатлар қурилиш пудрат шартномаси бўйича харажатлардан чиқариб юборилади. ( Масалан, тажриба – конструкторлик ишлари харажатлари ва ҳокозо). Стандартнинг 13 ва 14 – бандларида белгиланган юқоридаги тартиблар улар қурилишга оид пудрат шартномасида белгиланган бўлса унда пудратни амалга ошириш харажатлари сифатида эътироф этилиши агар пудрат шартномаси бўйича фаолиятга киритилмайдиган бўлса унда пудрат шартномаси бўйича харажатлардан чиқариб юборилади.

Фикримизча, стандартнинг ушбу бандларидаги тартиблар аниқ белгиланмаган, яъни агар пудрат шартномасида харажатларни қоплаш қайд этилган бўлса буюртмачи томонидан қопланади ва қайд этилмаган бўлса буюртмачи томонидан қопланмайди.

Унда қайси манба ҳисобидан қопланиши аниқ белгиланмаган. Стандартнинг 14 – бандидан шундай хулоса қилиш мумкинки демак пудратчи шартномада қопланиши кўзда тутилмаган тажриба – конструкторлик ишларини ҳам бажаради ва ушбу харажатлар ўз харажатлари сифатида эътироф этади. Харажатлар қопланиши кўзда тутилмаган бўлса пудратчи учун уни бажаришга нима мажбур қилади. Агар ушбу стандартнинг мақсади пудрат шартномалари билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиётини белгилашдан иборат эканлигини эътиборга оладиган бўлсак унда тажриба – конструкторлик ишларини бажариш харажатларини ҳисобга олиш тартибини аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Энди 11- БҲМС “Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар” нинг 6 – бандида белгиланган ушбу харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини таҳлил қиладиган бўлсак хўжалик юритувчи субъект илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишларининг харажатлари ва даромадларини ҳисобини ўз фаолиятида ҳисобга олиши ва бунда ушбу стандартда белгиланган услубиятга асосан ҳисобга олади. Унинг 11 ва 12 – бандларида харажатлар таркиби белгиланган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишлари харажатларига илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ёки асосли равишда фаолиятнинг бу турларига киритилиши мумкин бўлган барча харажатлар киритилади. Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларига қуйидаги харажатлар киритилади:

- илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишлари билан банд бўлган ходимларига иш ҳақи тўлаш ва бошқа тўловлар бўйича харажатлар;

- илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишлари чоғида фойдаланиладиган материаллар ва хизматлар қиймати;

- илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларида мазкур активларидан фойдаланиш чоғида асосий воситаларнинг эскириши;

- илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлаб чиқишлари билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар ;

- илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларида мазкур активлардан қандай фойдаланилса, шу даражадаги патентлар ва лицензиялар амортизацияси ва бошқа шу сингари харажатлар;

- реализация харажатлари илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишлари харажатларига киритилмайди.

Шу билан биргаликда унда илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларга қилинган харажатларнинг тан олиними ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Илмий тадқиқот ишлаб чиқишларга харажатлар шу харажатлар қилинган ҳисобот давридаги харажат сифатида тан олинади ва кейинги даврда актив деб тан олинмаслиги лозим.

Дастлаб харажат сифатида тан олинган тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатларни кейинги ҳисобот даврларида активлар сифатида тан олмаслик

керак. Тажриба – конструкторлик ишланмалари харажатлари куйидаги мезонларга жавоб берган тақдирдагина актив сифатида тан олинади:

- маҳсулот ёки жараён аниқ белгиланган, маҳсулот ёки жараёнга тегишли харажатлар алоҳида аниқланиши ва ишончли тарзда ўлчаниши мумкин;

- маҳсулот ёки жараёни техникавий жиҳатдан амалга ошириш мумкинлигини намойиш қилиш мумкин бўлади;

- хўжалик юритувчи субъект маҳсулот ёки технологияни ишлаб чиқариш, сотиш ёки ундан фойдаланишни мўлжаллайди;

- маҳсулот ёки технология учун бозорнинг мавжудлиги ёки уни сотиш ўрнига субъект ичида фойдаланилган тақдирда унинг субъектга фойда келтириши намойиш қилиниши мумкин бўлади;

- лойиҳани ниҳоясига етказиш ва бозорга чиқариш ёки маҳсулотни, технологияни қўлланиш учун етарли ресурсларнинг ёки уларни намойиш қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Актив деб тан олинган тажриба – конструкторлик ишларининг харажатлари куйидагилар чиқариб ташлангандан сўнг тегишли бўлажак даромадлар ҳисобидан қопланадиган миқдордан ошмаслиги лозим:


- тажриба – конструкторлик ишларига кейин қилинадиган харажатлар;

- тегишли ишлаб чиқариш харажатлари;

- маъмурий харажатлар ва маҳсулотни сотиш чоғида бевосита қилинган харажатлар.

Лойиҳанинг тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлари актив деб ҳисоблаш талабларига жавоб берганлиги туфайли бу харажатлар хўжалик юритувчи субъект ана шу харажатлар натижасида келгусида иқтисодий наф олишини аниқлаш учун етарли бўлмагани сабабли актив деб тан олиш мезонларига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлари шу харажатлар амалга оширилган даврдаги харажатлар деб эътироф этилади ва кейинги даврда актив деб тан олинмайди. Актив деб тан олинган илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишларига унинг хизмат муддатидан келиб чиқиб, агар уни аниқ белгилаш имкони бўлмасида 5 йил давомида амортизация ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик харажатлари ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг 4 – БҲМС “Товар моддий заҳиралар”, 11 – БҲМС “Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар”, ва 11 – БҲМС га асосан ҳисобга олиниши муаллиф томонидан ишлаб чиқилган 2.2.2 ва 2.2.3 - расмларда келтирилмоқда.



### 2.2.2-расм. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари ва даромадларини услуби.

Хўжалик муомалаларининг мазмуни:

1. Дт 2010 – Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатларини ҳисобга олувчи счётлар.

Кт 0200 – Асосий воситаларнинг эскириши.

Кт 1000 – Материаллар.

Кт 2310 – Ёрдамчи ишлаб чиқариш.

Кт 2510 – Умумишлаб чиқариш харажатлари.

Кт 6010 – Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар.

Кт 6510 – Суғурта бўйича тўловлар.

Кт 6520 – Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар

Кт 6720 – Депонентланган иш ҳақи.

2. Дт 9130 – Сотилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик хизматлари таннархи.

Кт 2010 – Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатларини ҳисобга олувчи счётлар.

3. Дт 4010 – Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар.


Кт 9030 – Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик хизматларидан олувчи даромадлар.

4. Дт 9910 – Якуний молиявий натижа.

Кт 9130 - Сотилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик хизматлари таннархи.

5. Дт 9030 – Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик хизматларидан олувчи даромадлар.

Кт 9910 – Якуний молиявий натижа



**2.2.3-расм. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг  
натижаларидан фойдаланиш корхонанинг ўзида фойдаланганида қўлланиладиган  
харажатлар ҳисобга олиш услуги.**

Хўжалик муомалаларининг мазмуни.

1. Дт 9440 – Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

Кт 0200 – Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар.

Кт 1000 – Материалларни ҳисобга олувчи счётлар.

Кт 2310 – Ёрдамчи ишлаб чиқариш.

Кт 2510 – Умумишлаб чиқариш харажатлари.

Кт 6010 – Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар.

Кт 6510 – Суғурга бўйича тўловлар.

Кт 6520 – Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар.

Кт 6710 – Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар.

2. Дт 9910 – Якуний молиявий натижа.

Кт 9440 – Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

3. Дт 0950 – Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи.

Кт 6410 – Бюджет тўловлари бўйича қарз (турлари бўйича).

4. Дт 3210 – Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи.

Кт 0950 - Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи.

5. Дт 6410 - Бюджет тўловлари бўйича қарз (турлари бўйича).

Кт 3210 - Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи.

Илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишларини бажариш жараёнидаги харажатларни ҳисобга олишда йўл қўйилган хатолар кейинги ҳисобот даврида тўғриланса, шунингдек, ҳисоб сиёсатида ушбу фаолият харажатларини ҳисобга олиш тартибининг ўзгартирилиши хўжалик юритувчи субъектнинг “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи” га киритиладиган харажатлар қиймати таъсир қилади. Шунинг учун ҳам молиявий ҳисоботга ёзиладиган изоҳ (тушунтириш) хатида ушбу сабаблар очиқ берилиши лозим. Бундай ўзгаришларни амалга ошириш тартиби 3 – БХМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” да белгилаб берилган.



Инновацион фаолият харажатлари ҳисобини тартибга солувчи бешинчи даражадаги ҳужжат бу – иқтисодиёт тармоқларининг ҳисоб сиёсати ҳисобланади ва ушбу тармоқ юқори органини раҳбари (вазир, уюшма раиси ва бошқалар) нинг буйруғи, фармойиши ва қарори билан тасдиқланади.

Инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналар инновация дастурларини грантлар ҳисобидан ҳам амалга оширишлари мумкин. Бунда грантлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар 21 – БҲМС да белгилаб берилган.

Грант деганда ижтимоий хусусиятга эга мақсадлар, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий – техник ва инновацион дастурларни бажариш учун Ҳукумат, нодавлат, хорижий, ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатиладиган бепул, гуманитар ёки моддий – техник маблағлар тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади.

Ажратилган грант тўғрисида хабарнома олинганда ушбу грант суммаси 8810 “Грантлар” счётининг кредитида 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Грант суммасидан молиялаштириладиган ва бюджетда кўзда тутилган пул маблағлари ёки мулкнинг қабул қилиниши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5110-5530), капитал қўйилма (0800), ўрнатиладиган ускуналар (0700), ТМЗ ва бошқа активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида 4890 “Бошқа дебиторларнинг қарзи” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Чет эл валютасида олинган грант суммаси хўжалик муомалалари амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўтказилади.

Тармоқнинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартиблар ва қоидаларни ушбу тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда қўллаш имкониятини беради ҳамда ҳисоб жараёнини самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур илмий ишнинг объекти ҳисобланган “Ўзбеккимёмаш” ОАЖ ҳам ўзининг ҳисоб сиёсатига эга ва у Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган. Унда ҳисоб жараёнлари ва уларни ҳисобга олиш усуллари ҳамда тармоқ ишчи счётлари режаси ишлаб чиқилган бўлиб уларда ушбу тармоқ хусусиятлари ҳамда унда амалга ошириладиган инновацион фаолият харажатларини ҳисобга олиш услублари ҳам инобатга олинган.

Инновацион фаолият харажатларини ҳисобга олиш олтинчи даражаси “Ўзбеккимёмаш” АЖ корхоналарини ҳисоб сиёсати ҳисобланади. Уларнинг ҳисоб сиёсати “Ўзбеккимёмаш” АЖ тармоқ ҳисоб сиёсатига асосланган бўлиб, унда ҳар бир корхонанинг ташкилий – технологик хусусиятлари батафсил эътиборга олинган ва бу уларда қўлланаётган корхонанинг ишчи счётлар режасида ўз аксини топган.

Шундай қилиб, инновацион фаолият харажатларининг таркибий қисми ҳисобланган илмий – тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишлари харажатлари амалиётга ўрганиш ва таҳлил қилиш унинг бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби олдида қўйилаётган талаблар даражасида эмаслигидан далолат беради.